ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil «2» dekabr № 727 Toshkent sh.

## Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясига қўшилиш ҳақида” 1995 йил 31 августдаги 131-I-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясига қўшилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

халқаро йўлларда ташиш тартиб-таомилларини қўллаш шартларини, товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилганда божхона расмийлаштируви тартибини, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ташишларни амалга оширишда божхона расмийлаштируви тартибини, халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини тўлдириш, расмийлаштириш ва ундан фойдаланиш қоидаларини, бу борада кафолат уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини назарда тутувчи **1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясини қўллаш ҳақидаги низом** 1-иловага мувофиқ;

халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартларини, халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш, унга ўзгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш

тартибини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти** (кейинги ўринларда – Регламент) 2-иловага мувофиқ;

хорижий автоташувчиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартибини назарда тутувчи **Халқаро ташувчиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни қайта тиклаш тартиби ҳақидаги низом** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) давлат хизматларини жорий қилиш бўйича техник ҳужжатни **бир ой муддатда** ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда келишиш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси билан биргаликда **икки ой муддатда** автомобилда халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясини қўллаш бўйича билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизимига интеграциялаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда **уч ой муддатда**:

Регламент бўйича давлат хизматлари кўрсатишни ЯИДХП орқали жорий этиш чораларини кўрсин;

давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг ЯИДХПга уланишини таъминласин;

давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари кўриб чиқилишини ЯИДХПда кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан уларнинг фаолияти бўйича, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланаётган Регламент талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "2" декабрдаги 727-сон қарорига
1-илова

# 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясини қўллаш ҳақида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазур Низом 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясини (кейинги ўринларда – Конвенция) қўллаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**аҳдлашувчи томон** – Конвенцияга аъзо давлат;

**жўнатувчи божхона органи** – юклар ёки юкларнинг қисми учун халқаро йўлларда ташиш (кейинги ўринларда – ХЙТ) бошланадиган аҳдлашувчи томоннинг ҳар қандай божхона органи;

**йўл транспорти воситаси** – механик йўл транспорт воситалари, шу жумладан, транспорт воситаларида шатакка олиш учун мўлжалланган исталган тиркама ва ярим тиркамалар;

**йўл-транспорт ҳодисаси** (кейинги ўринларда – ЙТҲ) – транспорт воситаларининг юк бўлинмаларига ёки божхона пломба ва муҳрларига зарар етказган тасодифий ҳолат;

**кафолат** – ХЙТ дафтарчаси бўйича ташилаётган товарларга нисбатан божхона тўловлари тўланишини таъминлаш;

**Кафолат уюшмаси –** Конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига кўра ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи шахсларга кафиллиги тан олинган уюшма (Ўзбекистонда – Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси (AIRCUZ);

**контейнер** – юкларни жойлаштиришга мўлжалланган ёпиқ ёки қисман ёпиқ идиш, доимий ва етарли даражада мустаҳкам, шунингдек, кўп маротаба ишлатишга мўлжалланган, юкларни оралиқ масофада қайта юкламасдан, битта ёки бир нечта транспорт турларида ташишга мўлжалланган, бир транспорт туридан иккинчи транспорт турига юклашни енгиллаштириш учун жиҳозланган, юкларни енгил ортиш ва тушириш учун тайёрланган, камида бир куб метр ички ҳажмига эга бўлган транспорт ускунаси (цистерна ёки бошқа шунга ўхшаш мослама);

**манзилдаги божхона органи** – юклар ёки юкларнинг қисми учун ХЙТ якунланадиган аҳдлашувчи томоннинг ҳар қандай божхона органи;

**оғир вазнли ёки катта ҳажмли юклар** – ҳар қандай оғир ва катта ҳажмли, оғирлиги, ўлчами ва хусусиятидан келиб чиқиб, ёпиладиган йўл транспорт воситаси ёки контейнерда ташилмайдиган юклар;

**оралиқ божхона органи** – ХЙТ давомида йўл транспорт воситалари, транспорт воситаларининг таркиби ёки контейнерлар кириши ва чиқишидаги исталган аҳдлашувчи томоннинг божхона органи;

**товарлар** – ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташиладиган юклар;

**транспорт воситаларининг таркиби** – йўл ҳаракатида бир бутун бўлиб иштирок этадиган тиркалган йўл транспорт воситалари;

**ХЙТ дафтарчаси** – жўнатиш жойидан манзилдаги жойгача юкларни кузатиб борадиган, Конвенцияга асосан давлат божхона хизмати органлари ва ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчилар томонидан қўлланиладиган ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги халқаро божхона ҳужжати;

**ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи** – Конвенцияга мувофиқ ХЙТ дафтарчаси берилган шахс бўлиб, ушбу шахс номидан юкларни ХЙТ тартиб-таомиллари асосида жойлаштириш нияти билан жўнатувчи божхона органига божхона декларацияси кўринишида ХЙТ дафтарчасини тақдим қилувчи шахс;

**ХЙТ операцияси** – ХЙТнинг бир қисми бўлиб, аҳдлашувчи томоннинг жўнатувчи ёки оралиқ (кириш) божхона органидан манзилдаги ёки оралиқдаги (чиқишдаги) божхона органигача юкларни ташиш;

**ХЙТ** – товарларни жўнатувчи божхона органидан манзилдаги божхона органигача ХЙТ дафтарчасидан фойдаланган ҳолда ташиш;

**шахс** – жисмоний ёки юридик шахслар;

**SafeTIR** – Конвенцияга 10-иловага асосан божхона маъмуриятлари ва кафолат уюшмалари учун очиқ бўлган, манзилдаги (оралиқ) божхона органларида ХЙТ операциялари якунланиши бўйича маълумотларни сақлаш ҳамда ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишни назорат қиладиган тизим.

3. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи йўл транспорт воситаси, транспорт воситаси таркиби ёки контейнерни, юкланган юки ва уларга расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси билан биргаликда жўнатувчи, оралиқ ва манзилдаги божхона постларига тақдим этиш ҳамда Конвенциянинг бошқа тегишли қоидаларига амал қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташиладиган товарлар оралиқ божхона органларида олиб кириш ёки олиб чиқиш учун бож ва солиқларни тўлаш ёхуд депозитга қўйишдан озод этилади.

Бундай божхона органларида ХЙТ дафтарчасини божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғим ундирилмайди.

4. ХЙТ тартиб-таомилларига асосан муҳрланган транспорт воситаларида, муҳрланган транспорт воситаларининг таркибида ёки муҳрланган контейнерларда ташилган товарлар оралиқ божхона органларида божхона кўригидан озод қилинади.

Божхона органлари томонидан божхона кўриги қуйидаги ҳолларда, истисно тариқасида, ўтказилади:

божхона органларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ёки давлат бошқаруви органларидан тушган материаллар, шунингдек, хорижий давлатлар божхона ва бошқа давлат органлари ҳамда халқаро ташкилотлардан олинган маълумотлар мавжуд бўлганда;

божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда;

божхона кўригини ўтказиш хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими томонидан буюрилганда.

Конвенция қоидалари жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва гигиена, шунингдек, ветеринария ёки фитосанитария назоратини амалга оширишда келиб чиқадиган чекловларга тўсқинлик қилмайди.

5. ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташиладиган товарлар учун тўланадиган божхона божлари ва солиқларнинг миқдори кафолат суммасидан ошганда ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосан ХЙТ тартиб-таомиллари асосида етказиб берилиши мумкин бўлмаса, товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган божхона назорати остида етказиб бериш тартиби қўлланилади.

6. Конвенциянинг 45-моддасига асосан Ўзбекистон Репсубликаси ҳудудида ХЙТ дафтарчасидан фойдаланган ҳолда транзит равишда ҳаракатланишга йўл қўйиладиган божхона постлари рўйхати Ўзбекистон Репсубликаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланади ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

## 2-боб. ХЙТ тартиб-таомилларини қўллаш шартлари

7. Товарлар:

Конвенция ва ушбу Низомга мувофиқ тўлдирилган ва расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси билан кузатиб борилса;

кафолат уюшмаси кафолати билан таъминланса;

божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат берилган транспорт воситаларида, транспорт воситалари таркибида ёки контейнерларда (оғир вазнли ёки катта ҳажмли юкларни ташиш бундан мустасно) ташилганда, ХЙТ тартиб-таомиллари қўлланилади.

8. Жўнатиш, оралиқ ва манзилдаги божхона органларига товарларни, транспорт воситаларини, транспорт воситаларининг таркибини ёки контейнерни ва уларга тегишли бўлган ХЙТ дафтарчасини етказиб беришга, Конвенциянинг бошқа қоидаларига амал қилиниши учун ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи масъул ҳисобланади.

9. Транспорт воситаларига “TIR” ёзувли тўртбурчак лавҳа (маҳкамланадиган, аниқ ўлчам ва ёзувга эга тахта ёки бошқа жисимлардан

ясалган махсус мослама) ёпиштирилиши лозим. Битта лавҳа транспорт воситаси ёки транспорт виситалари таркибининг олд томонига, иккинчиси эса орқа томонига аниқ кўринадиган жойга жойлаштирилади. Ушбу лавҳалар олинадиган бўлиши шарт.

10. Барча жўнатиш божхона органлари томонидан ХЙТ дафтарчасини қабул қилганлик бўйича тегишли белги қўйилгандан сўнг ХЙТ дафтарчаси манзилдаги божхона органига тақдим этилиши мумкин.

11. ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташишларни фақат ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи амалга ошириши мумкин.

Халқаро ташиш бир давлатда рўйхатдан ўтган автомобиль юк тортгичи ва бошқа давлатда рўйхатдан ўтган тиркама ва (ёки) ярим тиркамадан иборат транспорт воситаларининг таркибида амалга оширилса, ХЙТ дафтарчаси автомобиль юк тортгич рўйхатдан ўтган давлатнинг кафолат уюшмасидан олинган бўлиши керак.

Транспорт воситаси товар сифатида ҳаракатланган тақдирда, ХЙТ дафтарчаси товар қабул қилувчи ёки жўнатувчи давлат кафолат уюшмасидан олинади.

12. Ҳар бир ХЙТ дафтарчаси учун 100 000 (юз минг) еврогача божхона тўловлари ва солиқларни тўлаш кафолатланади. Кўрсатилган сумма тўловни амалга ошириш кунидан олдинги кун учун амал қиладиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада тўланади.

ХЙТ операцияси давомида Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганда, кафолат уюшмаси божхона тўловларини ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган кечикиш учун фоизларни кафолат учун белгиланган максимал суммагача тўлайди. Бунда кафолат уюшмаси тўловлар ва уларга фоизларнинг тўланишини келтириб чиқарган шахслар билан биргаликда жавобгарлик тартибида тўлаб беришга мажбурдир.

Ҳар бир ХЙТ дафтарчаси учун тўловнинг максимал миқдорига қўйилган чекловлар алкоголь ва тамаки маҳсулотларига амал қилмайди. Ушбу товарлар Конвенцияда кўрсатилган алоҳида “TABACCO/ALCOHOL” (ТАБАЧНЫЕ ИЗДЕЛИЯ/АЛКОГОЛЬНЫЕ НАПИТКИ) ёзувли ХЙТ дафтарчаси ҳамда кафолат уюшмаси ва божхона органлари ўртасида имзоланган кафолат битимида кўрсатилган камида 200 000 (икки юз минг) АҚШ доллари миқдоридаги сумма билан таъминланган тақдирда, ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташилиши мумкин.

Бундай ХЙТ дафтарчаси қўлланилганда, ташиладиган товарларнинг батафсил номи ва уларнинг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда – ТИФ ТН) кодлари кўрсатилган қўшимча варақ илова қилиниши лозим. Ушбу қўшимча варақ (илова) ХЙТ дафтарчасига бириктирилади ва жўнатиш божхона органи ходимининг шахсий муҳри билан тасдиқланади.

## 3-боб. ХЙТ дафтарчаси

13. ХЙТ дафтарчаси тўрт бетли муқова, кесилмайдиган (сариқ рангли) 1/2-варақ ва 1/2-корешок, кесиладиган 1-варақлар ва 1-корешоклар (оқ рангли), кесиладиган 2-варақлар ва 2-корешоклар (яшил рангли), шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги баённомадан иборатдир.

Оқ ва яшил рангли кесиладиган 1-2-варақлар ва 1-2-корешоклар комбинациясидан, қоида тариқасида, ҳар бир давлатда (жўнатиш, транзит ва манзилдаги) фойдаланиш учун мўлжалланган. Кесиладиган оқ рангли 1-варақ ва ХЙТ дафтарчасида қоладиган оқ рангли 1-корешок жўнатиш ва оралиқ (кириш) божхона органларида, кесиладиган яшил рангли 2-варақ ва ХЙТ дафтарчасида қоладиган яшил рангли 2-корешок манзилдаги ва оралиқ (чиқиш) божхона органларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

14. ХЙТ дафтарчасига мультимодал ташишларга мўлжалланган махсус варақ илова қилиниши мумкин (агар ташиш бир нечта транспорт туридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса). Ушбу варақ фақат ташувчилар эҳтиёжлари учун мўлжалланган бўлиб, божхона органлари томонидан назорат қилинмайди ва расмийлаштирилмайди, аммо қўшимча маълумот олиш учун фойдаланилиши мумкин.

15. ХЙТ тартиб-таомиллари бўйича ташишларни фақат аҳдлашувчи томонлар Конвенция талаблари асосида рухсат этган ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчилар амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома Регламентда белгиланган тартибда берилади.

16. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ХЙТ дафтарчалари божхона тўловлари ва солиқлардан озод қилинади хамда олиб кириш ёки олиб чиқишда ҳеч қандай чекловлар қўлланилмайди.

17. ХЙТ дафтарчаси ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тўлдирилади.

## 4-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб кирилганда божхона расмийлаштируви тартиби

18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб кирилганда, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

жўнатувчи ва транзит мамлакатларнинг божхона органлари томонидан тўлдирилган ва расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси;

Конвенция талаблари асосида транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома;

товар ва транспорт кузатув ҳужжатлари.

19. Товарларни олиб киришда, божхона органи мансабдор шахслари томонидан ХЙТ дафтарчаси белгиланган қоидаларга асосан тўлдирилганлиги текширилади.

ХЙТ дафтарчасини божхона расмийлаштируви вақтида:

юк манифести тўлдирганлигига (юк манифестига киритилган маълумотлар товар ва транспорт кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши);

ХЙТ дафтарчасидаги оқ ва яшил рангли 1-2-корешокларда жўнатувчи ва оралиқ божхона органларининг божхона штамп ва муҳрлари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Божхона органи мансабдор шахслари ХЙТ дафтарчаси ўғирланган сифатида назоратда турмаганлигини ва ХЙТ дафтарчаси олд сариқ муқоваси 3-графасида ҳамда кесилмайдиган сариқ рангли 1/2-варағининг 4-графасида кўрсатилган ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи томонидан ташилганлигини текширишлари лозим.

20. Божхона органи мансабдор шахслари:

транспорт воситалари ёки контейнерлар юк бўлинмаларининг техник ҳолатини;

транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномани ёки контейнерларда ташишга рухсат бериш тўғрисидаги лавҳанинг мавжудлигини назоратдан ўтказади;

мазкур Низомнинг 4-бандида келтирилган ҳолатларда юк бўлимлари ёки контейнерларни божхона кўригидан ўтказади.

21. ХЙТ тартиб-таомиллари бузилганлиги ҳолати аниқланганда, жўнатиш божхона органи томонидан товар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган божхона назорати остида етказиб бериш тартиби қўлланилади.

22. Тегишли божхона назорати шаклларини қўллаш натижасида ХЙТ тартиб-таомиллари талаблари бузилганлиги аниқланмаса, товарлар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиши ушбу тартиб-таомилларига мувофиқ амалга оширилади.

23. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали товарлар ва транспорт воситаларини ХЙТ тартиб-таомилларига асосан ташиш учун:

божхона идентификациялаш воситалари қўйилади ва ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил 1-варақларининг "расмий фойдаланиш учун" графаларида тегишли белгилар қайд этилади;

товарларнинг божхона қиймати аниқланади. Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш учун счёт-фактуралар, товар ва транспорт кузатув ҳужжатлари, суғурта ҳужжатлари ва жўнатувчи мамлакатларнинг божхона декларацияларидан фойдаланилади. Божхона қиймати ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг "расмий фойдаланиш

учун” графасидаги шартномада кўрсатилган валютада қайд этилади. Агар божхона қийматини аниқлашнинг имконияти бўлмаса, ушбу графага “қиймат аниқланмаган” белгиси киритилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 10-графаларида ташиладиган товарларни етказиб бермаслик, бериб юбориш ёки йўқотиш ҳолатида аниқлаш учун етарли бўлган батафсил мълумотлар кўрсатилади;

етказиб бериш муддати белгиланади. Етказиб бериш муддати ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 20-графаларида қайд этилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақлари 16-23-графалари ва оқ рангли 1-корешогининг 1-6-графалари тўлдирилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ рангли 1-варағи ажратилади ва божхона органининг алоҳида папкасида сақланади;

ХЙТ дафтарчаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ДБҚ ЯААТ) рўйхатга олинади ва манзил божхона органига назоратга қўйилади;

транспорт воситасининг божхона назорати зонасидан чиқиб кетиши кесиладиган ХЙТ дафтарчасининг оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 23-графаларига ҳамда оқ рангли 1-корешогининг 6-графасига жўнатиш божхона органи мансабдор шахси томонидан сана, шахсий муҳр ва имзо қўйилгандан сўнг амалга оширилади;

расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси ташувчига қайтарилади.

24. Транспорт воситаси ёки контейнер манзилдаги божхона органига етиб борганда, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

жўнатувчи ва транзит мамлакатларнинг божхона органлари томонидан тўлдирилган (агар бошқа давлатларда ташувни амалга оширган бўлса) ва расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси;

товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун товар ва транспорт кузатув ҳужжатлари.

25. Манзилдаги божхона органи мансабдор шахслари қуйидагиларни текширадилар:

ХЙТ дафтарчаси тўғри тўлдирилганлигини ҳамда жўнатиш, оралиқ ва киришдаги божхона органларининг белги ва муҳрлари мавжудлигини;

транспорт воситалари ёки контейнерларнинг юк бўлинмаларида қўйилган божхона пломба ва муҳрларининг ҳолатини;

транспорт воситалари ёки контейнерлар юк бўлинмаларининг бутунлигини ва ташилаётган товарларни божхона пломба ва муҳрлари бузмасдан олиш имконияти бўлмаганлигини;

транспорт воситалари ёки контейнерлардан юкларнинг туширилишини.

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.



26. ХЙТ дафтарчаси қўлланган холда товарларни ташиш давомида уларни йўқотиш, божхона органи рухсатисиз бериб юбориш, алмаштириб қўйиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқбузарликлар юзага келган тақдирда, манзилдаги божхона органи ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган яшил рангли 2-варағининг 27-графаси ва яшил рангли 2-корешогининг 5-графасига “R:” белгини қўйиб, ҳуқуқбузарликнинг қисқача тафсилотини қайд этади ҳамда ДБҚ ЯААТга тегишли белгилар киритилади.

27. Божхона назорати шаклларини қўллаш натижасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари бузилиш ҳолатлари аниқланмаса:

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган яшил рангли 2-варағининг 24-28-графалари ва яшил рангли 2-корешогининг 1-6-графалари тўлдирилади;

божхона органи мансабдор шахси томонидан ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган яшил рангли 2-варағининг 28-графасига ва яшил рангли 2-корешогининг 6-графасига сана, имзо ва шахсий муҳр қўйилади (яшил рангли 2-корешок ХЙТ дафтарчасида қолади);

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган яшил рангли 2-варағи ажратилади (1-28 графалар);

расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси ДБҚ ЯААТдан назоратдан ечилади ва ташувчига қайтарилади.

## 5-боб. Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишда божхона расмийлаштируви тартиби

28. Жўнатиш божхона органи олиб чиқиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосан божхона расмийлаштирувидан ўтказади.

29. ХЙТ тартиб-таомиллари асосида товарларни ташишни расмийлаштириш учун жўнатиш божхона органига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тўлдирилган ХЙТ дафтарчаси;

Конвенция талаблари асосида транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома ёки контейнерларда тегишли лавҳалар.

30. Божхона органи мансабдор шахслари ХЙТ дафтарчаси ўғирланган сифатида назоратда турмаганлигини ва ХЙТ дафтарчаси олд сариқ муқоваси 3-графасида ҳамда кесилмайдиган сариқ рангли 1/2-варағининг 4-графасида кўрсатилган ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи томонидан ташилганлигини текширишлари лозим.

Жўнатиш божхона органи мансабдор шахслари қуйидагиларни текширади:

ХЙТ дафтарчасининг амал қилиш муддати (муқованинг олд бетидаги 1-графада кўрсатилади);

ХЙТ дафтарчаси муқова олд бетида, кесилмайдиган ва кесиладиган варақлардаги ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчининг имзоси ўзаро мослиги;

ХЙТ дафтарчаси муқоваси олд бетида барча муҳр ва имзолар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ХЙТ дафтарчаси тўғри тўлдирилганлигини;

транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома ёки контейнерларда тегишли лавҳалар мавжудлигини;

транспорт воситалари ёки контейнерлар юк бўлинмаларининг бутунлигини ва ташилаётган товарларни божхона пломба ва муҳрларини бузмасдан олиш имконияти йўқлигини.

Текширув ишлари амалга оширилгандан сўнг транспорт воситалари ёки контейнерларга товарларни юклашни кузатади ҳамда транспорт воситалари ёки контейнерларнинг юк бўлинмаларига божхона пломба ва муҳрлари қўйилади.

31. Расмийлаштирув жараёнида камчиликлар аниқланганда, ХЙТ тартиб-таомиллари асосида товарларни ташиш ушбу камчиликлар бартараф этилгандан сўнг амалга оширилади.

32. Божхона назорати шаклларини қўллаш натижасида ХЙТ тартиб-таомиллари барча талаблари бажарилганлиги аниқланган тақдирда, қуйидаги харакатларлар амалга оширилади:

барча кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларнинг 16-графалари тўлдирилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг “расмий фойдаланиш учун” графасида ва оқ рангли 1-корешогининг 5-графасида, бошқа маълумотлар қаторида божхона қиймати ва товарлар олиб чиқиб кетиладиган божхона режими коди кайд этилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ рангли 1-корешоги тўлдирилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 10-графаларида ташиладиган товарларни етказиб бермаслик, бериб юбориш ёки йўқотиш ҳолатида аниқлаш учун етарли бўлган батафсил мълумотлар имкон қадар ТИФ ТН кодлари билан кўрсатилади. Агар 10-графада барча маълумотларга жой етарли бўлмаса, ХЙТ дафтарчасига қўшимча варақларни бириктиришга рухсат берилади. Шунда қўшимча варақларга божхона органи мансабдор шахслари томонидан шахсий муҳр қўйилади ҳамда ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган барча оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 8-графасига ушбу илова хақида тегишли белгилар қайд этилади;

етказиб бериш муддати ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2 варақларининг 20-графаларида қайд этилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган барча оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 17-графасига божхона органи мансабдор шахсининг имзоси, сана ва шахсий муҳр қўйилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 23-графасига ва оқ рангли 1-корешогининг 6-графасига божхона органи мансабдор шахсининг имзоси, сана ва шахсий муҳри қўйилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган оқ рангли 1-варағи ажратилади ва божхона органининг алоҳида папкасида сақланади;

расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси ҳайдовчига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товарлар олиб чиқиб кетилиши жўнатиш божхона органи томонидан ХЙТ дафтарчасини ДБҚ ЯААТда назоратга қўйиш орқали назорат қилинади.

33. Чиқишда божхона органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

белгиланган тартибда тўлдирилган ва жўнатиш божхона органларида рамийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси;

жўнатиш божхона органлари белгилари мавжуд бўлган товар ва транспорт кузатув ҳужжатлари.

34. Товарлар ХЙТ дафтарчаси асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилаётганда, божхона органлари мансабдор шахслари томонидан қуйидагилар текширилади:

ХЙТ дафтарчаси тўғри тўлдирилганлиги ҳамда барча жўнатувчи божхона органларининг белги ва муҳрлари мавжудлиги;

ХЙТ дафтарчасининг оқ рангли 1-корешогида жўнатувчи божхона органи муҳри ҳамда товарлар олиб чиқилиши учун расмийлаштирилган божхона режими коди кўрсатилганлиги;

транспорт воситалари ёки юк контейнерларининг юк бўлинмаларига қўйилган божхона пломбалари, муҳр ва бошқа идентификация воситалари мавжудлиги ва уларнинг ҳолати;

транспорт воситалари ёки юк контейнерларининг юк бўлинмалари, уларнинг тентлари ва бошқа қисмлари бутунлиги, ташилаётган товарларни божхона пломба ва муҳрларини бузмасдан олиш имконияти чекланганлиги.

Юқоридаги ҳолатларни истисно этганда, транспорт воситалари ёки контейнерлар юк бўлинмалари божхона кўригидан ўтказади.

35. ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда ташишларни амалга оширишда мазкур Низом ҳамда ХЙТ дафтарчасини қўллаш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилиши юзасидан қоидабузарликлар

аниқланганда, ушбу Низомнинг 26-бандида белгиланган тартибда ХЙТ дафтарчаси унга тегишли белгилар қўйилган ҳолда расмийлаштирилади.

36. Божхона назорати ҳамда расмийлаштирувини амалга ошириш давомида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмаганда:

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган яшил рангли 2-варағи 24-28-графалари ва 2-корешоги тўлдирилади ҳамда кесиладиган яшил рангли 2-варағи ажратилади ва божхона органининг алоҳида папкасида сақланади;

расмийлаштирилган ХЙТ дафтарчаси ДБҚ ЯААТда назоратдан ечилади.

Транспорт воситасининг божхона назорати зонасидан чиқиб кетишига ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган яшил рангли 2-варағи 28-графаси ҳамда яшил рангли 2-корешогининг 6-графасига божхона органи мансабдор шахси томонидан расмийлаштирув кун санаси ёзилиб, шахсий муҳри қўйилади ва ўз имзоси билан тасдиқлангандан сўнг рухсат берилади.

## 6-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ташишларни амалга оширишда божхона расмийлаштируви тартиби

37. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ХЙТ дафтарчаси асосида товарлар транзит олиб ўтилганда:

кириш божхона органида божхона расмийлаштируви ушбу Низомнинг 18-23-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

чиқиш божхона органида божхона расмийлаштируви ушбу Низомнинг 33-36-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 7-боб. ХЙТ дафтарчасини расмийлаштиришнинг айрим қоидалари

38. ХЙТ дафтарчасидаги маълумотларни ўчириш, йўқотишга йўл қўйилмайди, унга фақат тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Мазкур банднинг учинчи хатбоши талаблари бундан мустасно.

Киритиладиган ўзгартиришлар, ўзгартирилаётган маълумот устидан текис горизонтал чизиқ ўтказилиб, унинг уст қисмида янги малумотлар қайд этилади ва ХЙТ дафтарчасидаги фойдаланувчи (божхона расмийлаштирувидан олдин) ва божхона органи мансабдор шахси томонидан (божхона расмийлаштируви пайтида) шахсий муҳри ва ўз имзоси билан тасдиқланади.

ХЙТ дафтарчаси муқоваси олд варағининг 1-5-графаларига, кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларнинг 4-графаларига ва йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги баённоманинг 2, 3 ва 5-графаларига ўзгартиришлар киритиш тақиқланади.

39. Кафолат уюшмаси ХЙТ дафтарчасининг амал қилиш муддатини белгилайди ва муқова олд варағининг 1-графасида қайд этади. Амал қилиш

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.



муддати тугаган ХЙТ дафтарчаси божхона органлари томонидан қабул қилинмайди.

Божхона расмийлаштируви ХЙТ дафтарчаси амал қилиш муддатининг охирги кунида амалга оширилган бўлса, ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташиш бутун жараёнга амал қилади.

40. ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташиш якунланганда, охирги манзилдаги божхона органи томонидан ХЙТ дафтарчасида қолган бўш варақларга “X” белгиси чизилади.

41. ХЙТ дафтарчаси асосида ташишларни амалга оширишда жўнатувчи ва манзилдаги божхона органлари бир нечтани ташкил этиши мумкин. Аммо, жўнатувчи ва манзилдаги божхона органларининг умумий сони тўрттадан ошмаслиги лозим.

Ҳар бир жўнатувчи ва манзилдаги божхона органи учун алоҳида кесиладиган қўшимча варақлар жамланмаси бўлиши зарур.

Жўнатувчи ва манзилдаги божхона органлари назорати остида қуйидагилар амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишда – қўшимча товарларни юклаш;

Ўзбекистон Республикасига олиб киришда –товарларни қисман тушириш.

42. Қўшимча товарларни юклашда божхона органи мансабдор шахси ушбу Низомнинг 28-32-бандларида назрда тутилган ҳамда ушбу банднинг алоҳида қоидалари талаблари асосида божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

Божхона органи мансабдор шахси томонидан:

биринчи жўнатувчининг божхона органида пломбалар, қиёслаш воситалари ечилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган барча оқ ва яшил рангли 1-2-варақларига қўшимча юкланган товарлар номи, миқдори, ўринлар сони ва бошқа маълумотлар киритилади;

тўлдирилган оқ ва яшил рангли кесиладиган 1-2-варақларнинг 16-графаларига ва оқ рангли 1-корешогига янги қўйилган божхона муҳри ва штамплари бўйича маълумотлар қайд этилади;

ХЙТ дафтарчасидаги барча кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларнинг 16-графаларида кўрсатилган маълумотлар, муҳр ва штамплар устидан горизонтал чизиқ чизилади.

43. Товарларни қисман туширишда, божхона органи мансабдор шахси ушбу Низомнинг 24-27-бандлари ҳамда ушбу банднинг алоҳида қоидалари талабларига асосан божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

Манзилдаги божхона органи мансабдор шахси томонидан:

жўнатувчи божхона органининг пломбалари, қиёслаш воситалари ечилади;

ХЙТ дафтарчасининг кесиладиган барча оқ ва яшил рангли 1-2-варақларидаги қисман туширилган товарлар қисми тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ўчирилади;

ХЙТ дафтарчасидаги барча кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларнинг 16-графаларида кўрсатилган мухр ва пломбалар тўғрисидаги малумотлар устидан горизонтал чизиқ чизилади;

ХЙТ дафтарчасининг тўлдирилган оқ ва яшил рангли кесиладиган 1-2-варақларининг 16-графаларига ва оқ рангли 1-корешигига янги қўйилган божхона муҳрва пломбалари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

44. Ушбу Низом 42-43-бандларида кўрсатилган барча ўзгартиришлар божхона расмийлаштирувини амалга оширган божхона органи мансабдор шахси томонидан муҳри ва ўз имзоси билин тасдиқланади.

45. ХЙТ дафтарчаси қуйидаги холларда божхона расмийлаштирувига қабул қилинмасдан олиб қўйилиб, кафолат уюшмасига қайтарилади:

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағининг 1-графасида ХЙТ дафтарчаси амал қилиш муддати кўрсатилмаганда;

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағи 2-графасида ХЙТ дафтарчасини берган кафолат уюшмаси хақида маълумотлар мавжуд бўлмаганда;

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағи 3-графасида ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ҳақида маълумотлар (номи, рўйхатдан ўтган давлат, манзил, кафолат уюшмаси томонидан берилган идентификация рақами) кўрсатилмаганда;

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағи 4-графасида кафолат уюшмаси мансабдор шахси муҳри ҳамда имзоси мавжуд бўлмаганда;

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағи 5-графасида Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи котибининг имзоси бўлмаганда;

ХЙТ дафтарчасига ушбу Низом 38-банди талабларига амал қилмасдан ўзгартиришлар киритилган бўлса;

кафолат уюшмаси ёки SafeTIR тизимида ХЙТ дафтарчаси хақиқий эмаслиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

ХЙТ дафтарчаси ўғирланганлиги ёки қалбакилаштирилганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлганда.

ХЙТ дафтарчаси олиб қўйилганда, божхона органлари мансабдор шахси томонидан ХЙТ дафтарчаси рақами ва штрих-коди қайд этилган муқованинг охирги кесиладиган варақчасига олиб қўйилиш сабаби кўрсатилиб, олиб қўйган ходим шахсий муҳри ва ўз имзоси билан тасдиқлайди. Ушбу варақ ХЙТ дафтарчасидан ажратилади ва ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ёки унинг ваколатли шахсига қайтарилади.

ХЙТ дафтарчасини олиб қўйган божхона органи аниқланган ҳолат юзасидан тегишли текширувлар ўтказади ҳамда ХЙТ дафтарчаси ўғирланган,

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.



ҳақиқий эмаслиги ёки қалбакилаштирилганлиги бўйича шубҳа бўлганда ДБҚга хабар бериб, ҳолатни қайд қилишга харакат қилади. Текширувлар якунланганда, ХЙТ дафтарчаси олиб қўйилиши сабаблари ва аниқланган камчиликлар рўйхати билан кафолат уюшмасига қайтарилади.

46. ХЙТ дафтарчаси қуйидаги ҳолларда расмийлаштирувга қабул қилинмайди:

амал қилиш муддати тугаган ХЙТ дафтарчаси;

транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома ёки контейнерларда лавҳа мавжуд бўлмаганда ёки уларнинг муддати тугаганда;

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағининг 8-графасида транспорт воситаси давлат рақами кўрсатилмаганда;

ХЙТ дафтарчаси муқова бош варағининг 10-графасида контейнер(лар) рақамлари кўрсатилмаганда;

ХЙТ дафтарчасининг кесилмайдиган сариқ рангли 1/2-варағининг 7-графасида транспорт воситаси давлат рақами кўрсатилмаганда;

ХЙТ дафтарчасининг кесилмайдиган сариқ рангли 1/2-варағининг 9-графасида юк бўлинмалар ёки контейнерларнинг сони, алоҳида белгилари, товар ёки юк жойлари рақамлари мавжуд бўлмаганда;

ХЙТ дафтарчасининг кесилмайдиган сариқ рангли 1/2-варағининг 10-графасида юк жойлари (товарлар) сони ва ҳусусиятлари ҳамда товар ҳақида маълумот бўлмаганда;

ХЙТ дафтарчасининг кесилмайдиган сариқ рангли 11-графасида товарлар брутто вазни кўрсатилмаганда;

ташиш жараёнида товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш талабларига жавоб бермаган транспорт воситасидан фойдаланилганда;

Конвенциянинг 38-моддасига асосан ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи вақтинча ёки доимий Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда.

47. Ҳусусиятлари ва габаритлари учун пломбаланган транспорт воситалари юк бўлимларида ва контейнерларда ташиш имконияти бўлмаганда, товарлар очиқ транспорт турларида ташилиши мумкин.

Оғир вазнли ва катта хажмли товарлар ташилганда, ХЙТ дафтарчаси муқовасининг олд томонида ва барча варақларида инглиз тилида “HEAVY OR BULKY GOODS” (оғир ёки катта ҳажмдаги товарлар) ёки француз тилида “LOURD ET ENCOMBRANT CARGOISONS” ёзуви бўлиши шарт.

Ташиладиган товарларни идентификация қилиш мақсадида жўнатувчи божхона органи ХЙТ дафтарчасига қўшимча фотосуратлар, чизмалар

ва товарларнинг хусусиятини акс эттирувчи техник ҳужжатлар илова қилинишини сўраши мумкин.

Бундай ҳужжатлар жўнатувчи божхона органи томонидан тасдиқланади ва барча варақларга бириктирилади. Шу билан бирга, ХЙТ дафтарчасининг барча кесиладиган оқ ва яшил рангли 1-2-варақларининг 8-графаларига илова қилинган ҳужжатлар хақида белги қайд этилади.

ХЙТ дафтарчасининг кесилмайдиган сариқ рангли 1/2-варағидаги маълумотлар товар кузатув ҳужжатлари маълумотларига мос келмаса, ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

48. Оғир вазнли ва катта ҳажмли товарлар ташилганда божхона органлари томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

ушбу Низомнинг 47-бандида кўрсатилган талаблар ва қоидаларга риоя килинишини текширади;

товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, зарур ҳолларда қўшимча бошхона идентификация воситаларини қўллайди;

ХЙТ дафтарчаси юк манифестида кўрсатилган товарлар ташилишини назорат қилади.

## 8-боб. Йўл-транспорт ҳодисалари

49. Юк бўлинмаларига ёки божхона пломба ва муҳрларига зарар етказган ЙТҲ ҳамда тасодифий ҳолатлар бўйича ташувчи қисқа муддатда энг яқин божхона органига хабар бериши лозим.

50. Ташувчи юк бўлинмаларига ёки божхона пломба ва муҳрларига зарар етказган ЙТҲ ҳамда тасодифий ҳолатлар бўйича мурожаат қилганда, божхона органи мансабдор шахси:

ташувчидан ЙТҲ бўйича тушунтириш хат олади;

ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташишни давом эттириш мумкинлигини ўрганади;

ЙТҲ тўғрисидаги баённомани тўлдиради ва тасдиқлайди (агар баённома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат химати ходимлари томонидан тўлдирилган бўлса, ҳамкорликда тасдиқлайди).

51. ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташиш жараёнида ЙТҲ бўйича ташувчи томонидан хар қандай турдаги тезкор алоқа воситалари ёрдамида бир кун ичида ёзма равишда ушбу ХЙТ операциясини жўнатувчи, оралиқ ёки манзил божхона органига хабар беради.

52. ЙТҲдан сўнг товарлар билан боғлиқ барча операциялар божхона назорати остида амалга оширилади.

Агар юк бўлинмаларига ёки божхона пломба ва муҳрларига зарар етказилиши ЙТҲ натижасида бўлмаганлиги ҳолати аниқланса, божхона

қонунчилик ҳужжатлари бузилиши тўғрисида баённома расмийлаштирилади ва ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган тартибда ХЙТ дафтарчасига тегишли белгилар қўйилади.

53. ЙТҲдан сўнг товарлар божхона назорати остида бошқа транспорт воситаси ёки юк контейнерига юклангач, ХЙТ тартиб-таомиллари асосида манзил божхона органига ташишни давом эттириш учун рухсат берилади.

Агар ХЙТ тартиб-таомиллари асосида ташишни амалга ошириш имконияти бўлмаса, товарлар божхона ҳамроҳлигида кузатув остида манзил божхона органига етказилади.

## 9-боб. ХЙТ дафтарчаси асосида товарларни ташишда содир бўлган қоидабузарликлар тўғрисида хабарнома тайёрлаш ва ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва кафолат уюшмасига юбориш

54. ДБҚ ЯААТ маълумотларига асосан товарлар манзилдаги божхона органига белгиланган муддатларда етказилмаганда, жўнатувчи божхона органи белгиланган муддатдан кейинги кунда манзил божхона органига сўровнома юборади.

Ташувчи ХЙТ операциясининг тўғри якунлангани бўйича манзил божхона органи томонидан маълумотлар олинса, жўнатувчи божхона органи такроран ушбу операция якунланганлиги бўйича ДБҚ ЯААТ орқали текширади. ДБҚ ЯААТда ХЙТ операцияси якунланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, ушбу масала якунланган деб ҳисобланади.

55. Манзилдаги божхона органи томонидан ХЙТ операцияси давомида товарларни ташишда қоидабузарлик ҳолатлари бўйича маълумот олинса, жўнатувчи божхона органи ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган намуна асосида ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва кафолат уюшмасига (ҳар бирига алоҳида) хабарнома жўнатади.

Хабарномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ХЙТ дафтарчасининг жўнатувчи божхона органида сақланадиган кесиладиган оқ рангли 1-варағининг тасдиқланган нусхаси;

ХЙТ операцияси давомида товарларни ташишда қоидабузарлик ҳолатлари бўйича маълумот (мавжуд бўлганда, божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилиши тўғрисида баённома нусхаси).

56. ХЙТ операцияси давомида товарларни ташишдаги қоидабузарликлар бўйича ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва кафолат уюшмасига хабарнома таёрлаш ва юбориш коидабузарлик аниқлаган ҳар қандай божхона органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

57. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва кафолат уюшмаси божхона органлари томонидан хабарнома қабул қилингандан сўнг бир кун давомида хабарнома қабул қилинганлиги бўйича божхона органларига ахборот берадилар.

## 10-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи томонидан ХЙТ операцияси тўғри амалга оширганлигини тасдиқлаш

58. Товарларни тегишли божхона режимида ташиш давомида ХЙТ операцияси ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи томонидан тўғри якунланганлиги, манзилдаги божхона органи томонидан муҳр ва штамп билан тасдиқланган товар кузатув ҳужжатлари, ХЙТ дафтарчаси ва SafeTIR тизимидан маълумотнома олиш орқали тасдиқланади.

ХЙТ операцияси давомида қоидабузарликларни аниқлаган ва хабарнома жўнатган божхона органи ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва (ёки) кафолат уюшмаси томонидан юқорида келтирилган ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг куйидагиларни амалга оширади:

товарлар ва транспорт воситаси манзилдаги божхона органига етиб борганлиги хамда ДБҚ ЯААТ ва SafeTIR тизимига маълумотлар хаққоний киритилганлиги ҳолати текширилади;

тақдим этилган ҳужжатларга божхона муҳр ва штамплари асллигини текширади;

зарур бўлган ҳолларда, юк қабул қилувчи давлатнинг ваколатли идораларига сўровномалар юборади.

59. Ўрганиш давомида ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва (ёки) кафолат уюшмаси томонидан тақдим тилган ҳужжатлар ва (ёки) божхона органлари муҳр ва штамплари хаққоний эмаслиги (қалбакилаштирилган, алмаштирилган), шунингдек, ДБҚ ЯААТ ва SafeTIR тизимларига киритиладиган маълумотлар мавжуд эмаслиги аниқланганда, тақдим қилинган далиллар божхона органлари томонидан қабул қилинмайди.

ХЙТ ташувларда SafeTIRда тугатилганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлса ва ХЙТ дафтарчасида божхона органларининг асл муҳри ва штамплар мавжуд бўлганда, хабарнома бекор қилинади.

## 11-боб. ХЙТ операцияси давомида товарларни ташишда қоидабузарликлар бўйича ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва кафолат уюшмасига талабнома таёрлаш ва юбориш

60. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи ва (ёки) кафолат уюшмаси томонидан хабарнома жўнатилган кундан бошлаб уч ой мобайнида ХЙТ операцияси ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи томонидан тўғри амалга оширганлиги тўғрисида етарли далиллар келтирилмаса ёки ушбу далиллар божхона органи ўрганишлари давомида рад қилинса, Конвенция 11-моддасига асосан божхона органи ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчига қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини хамда белгиланган кечиктириш бўйича фоизларни тўлаш ҳақида ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклда талабнома жўнатади.

Божхона органи томонидан товарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган кундаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосан товарлар эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилганда, божхона тўловлари ва кечиктириш учун фоизлар суммаси ҳисобланади.

Агар товарлар ҳақида аниқ маълумот, яъни товар ТИФ ТН коди, ҳусусияти, номи, келиб чиқиш мамлакати, ҳажми, божхона қиймати тақдим қилинмаганлиги учун божхона тўловлари суммасини ҳисоблаш имконияти бўлмаса, ушбу сумма айнан ўхшаш товарга нисбатан энг юқори ставкада ҳисобланади.

Талабномада кўрсатилган суммаларни тўлаш бўйича мажбурият ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи талабномани олган кундан кейинги кундан бошланади.

61. Талабнома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

хабарнома нусхаси;

ХЙТ дафтарчасининг жўнатиш божхона органида сақланадиган кесиладиган оқ рангли 1-варағининг тасдиқланган нусхаси;

халқаро товар-транспорт юк хати, инвойс, божхона декларацияси ва ташиш жараёнида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа юк кузатув ва тижорат ҳужжатлари нусхалари;

ишга алоқадор бўлган бошқа материаллар, шунингдек, божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилиши тўғрисида баённома ва қарорлар, экспертиза хулосалари.

**божхона қонунчилик ҳужжатларини бузиш** – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товарлар ва транспорт воситаларини манзилдаги божхона органига етказиб бермаслик, йўқотиш ва алмаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларининг бузилиши;

**кафолат уюшмаси –** 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясини (кейинги ўринларда – Конвенция) ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига кўра ХЙТ дафтарчасидан фойдаланувчи шахсларга кафиллиги тан олинган уюшма (Ўзбекистон Республикасида – Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси (AIRCUZ);

**Маъмурий қўмита** – Конвенциянинг барча иштирокчи давлатларидан ташкил топган Конвенциянинг олий органи;

**рухсатнома эгаси** – ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олган юридик ёки жисмоний шахс;

**солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш** – солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган қонунга хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан юқори бўлган жарима ва (ёки) солиқ карздорлиги;

**ХЙТ ижро этувчи Кенгаши** – Конвенцияга мувофиқ Маъмурий қўмита томонидан берилган вазифаларни бажарадиган ва Маъмурий қўмита томонидан ташкил этилган ёрдамчи орган.

3. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат божхона қўмитаси) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар

бошқармалари ва "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплекси (кейинги ўринларда – Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари) томонидан ушбу Регламентга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ схема ва рухсатнома бўйича берилади.

4. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда – рухсатнома):

электрон шаклда берилади;

амал қилиш муддати чекланмайди;

юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчи) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланган ҳолда, халқаро юк ташиш ҳуқуқини беради;

кафолат уюшмасидан ХЙТ дафтарчасини олиш ҳуқуқини англатмайди.

## 2-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартлари

5. Ариза берувчи рухсатнома олиш учун Конвенцияга 9-илованинг II қисми 1-бандида назарда тутилган қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) автомобил транспортида халқаро юк ташиш тажрибаси ёки имконияти (автомобилда халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия) мавжудлиги;

б) Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши;

в) Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар (гувоҳномалар) мавжудлиги;

г) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилик ҳужжатлари бўйича бартараф этилмаган қонун бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

д) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

е) кафолат уюшмаси олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни имзолаш, бунда ариза берувчи:

жўнатувчи, оралиқ ва манзилдаги божхона органида Конвенция талаблари асосида барча божхона тартиб-тамойилларига риоя қилиши;

Конвенция 11-моддаси 2-бандига асосан божхона органлари томонидан талаб қилинса, Конвенциянинг 8-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган суммаларни тўлаши;

кафолат уюшмасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида рухсат берилган доирада ушбу банднинг шартлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотларни текширишга рухсат бериши шарт.

## 3-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар

6. Рухсатнома олиш учун ариза берувчи ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ аризани тўлдирган ҳолда ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали юборади.

7. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

ариза берувчи ёки унинг ваколатли ходимлари, шунингдек, ҳайдовчилар паспорт маълумотларидаги жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, ХЙТ дафтарчасидан фойдаланган ҳолда халқаро автомобил транспортида юк ташишни ташкил этиш касбий малакага эгалиги тўғрисидаги сертификатлар (гувоҳномалар) рақамлари ва уларнинг берилган санаси, ишга қабул қилганлик тўғрисида буйруқ рақамлари ва санаси;

транспорт воситаларининг маркалари, давлат рақами белгилари, идентификация рақамлари (VIN), транспорт воситасининг ариза берувчи тасарруфида бўлиш муддати, халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия рақамлари ва берилган санаси;

хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлиқ маблағлари – транспорт воситалари, бинолар, иншоотлар, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинган бошқа мулкка эга эканлиги, амортизацияни ҳисобга олган ҳолда қолдиқ ёки баланс қиймати бўйича маълумот (умумий қиймат базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан кам бўлмаслиги лозим).

8. Ушбу Регламентнинг 7-бандида назарда тутилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ариза берувчи жавобгардир. Ариза берувчи ҳайдовчилар ва транспорт воситалари тўғрисида тақдим этилган маълумотларни доимий равишда янгилаб туриши лозим.

9. Ариза берувчидан ушбу Регламентнинг 7-бандида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ариза берувчи томонидан ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш учун тақдим этилган маълумотлар Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва Кафолат уюшмаси бунинг аксини исботламагунча ишончли ҳисобланади.

## 4-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Аризани кўриб чиқиш ва ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома берганлик учун йиғим ундирилмайди.

12. Ариза ЯИДХП орқали Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ДБҚ ЯААТ)

келиб тушади. Ушбу ариза шу вақтнинг ўзида автоматик тарзда Давлат солиқ қўмитасига ва кафолат уюшмасига юборилади.

13. Ариза келиб тушгандан сўнг:

Кафолат уюшмаси уч иш кунида ушбу тартибнинг 5-банди “а” - “в”, “е” кичик бандларида назарда тутилган шартлар ва талабларга мувофиқликни ўрганади ва ДБҚ ЯААТга электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ёки рад этади;

Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармалари уч иш куни мобайнида ДБҚ ЯААТга ариза берувчининг рухсат олиш учун электрон аризасини олган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш холатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини ҳамда ушбу тартибнинг 7-бандига мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ маблағлари ёки баланс қиймати бўйича маълумотларни тасдиқлайди ёки рад этади;

Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари уч иш куни мобайнида ДБҚ ЯААТга ариза берувчининг рухсат олиш учун электрон аризасини олган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилиши мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Мазкур жараёнларни амалга ошириш мақсадида ДБҚ, Давлат солиқ қўмитаси ва Кафолат уюшмаси ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинуви ташкил этилади.

14. Кафолат уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан ариза кўриб чиқилгандан сўнг Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармалари икки иш куни ичида уни ўрганиб чиқиб, рухсатнома бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан қабул қилинади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

QR-код билан ҳимояланган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 4-иловадаги шаклга мувофиқ электрон шаклда ариза берувчига ва Кафолат уюшмасига юборилади.

16. Аризани рад этиш тўғрисидаги билдиришнома ариза берувчига ва Кафолат уюшмасига электрон тарзда ЯИДХП орқали рад этиш сабаблари ва қонунчилик ҳужжатлари аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда юборилади.

17. Рухсатнома берилганлиги тўғрисида маълумот олингандан сўнг кафолат уюшмаси уч иш куни ичида ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома асосида ХЙТ дафтарчасини олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Давлат божхона қўмитасига ушбу Регламентга 5-иловага мувофик ДБҚ ЯААТ орқали электрон шаклда юборади.

18. Кафолат уюшмасидан Регламентга 5-иловага мувофиқ келиб тушган маълумотлар Давлат божхона қўмитаси маъсул ходими томонидан уч иш куни ичида ХЙТ Халқаро банк маълумотлари базасига киритилади.

Мазкур Регламентнинг 13-18-бандларида кўрсатилган жараёнлар автоматлаштирилиши мумкин. Бунда ариза берувчи аризани тўлдириш пайтида тегишли маълумотларни киритиш жараёнида ушбу Регламент билан белгиланган талабларга мос келмаса, тизим томондан аризани жўнатишга йўл қўйилмайди.

19. Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари томонидан рухсатнома беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ариза берувчининг ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаслиги;

ариза берувчининг ушбу Регламентнинг 5-бандида назарда тутилган талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар мавжудлиги.

Бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

20. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш сабаблари ва қонунчилик талаблари хабарномада кўрсатилиши керак.

21. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран текшириш юқоридаги тартибга асосан амалга оширилади.

22. Аризани қайта кўриб чиқишда ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

23. Ариза берувчи ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олишни рад этиш, шунингдек, Давлат божхона қўмитаси ходимининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## 5-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномага ўзгартиришлар киритиш

24. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномага ўзгартиришлар киритиш учун йиғим ундирилмайди.

25. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, янги юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада рухсатномаси бўлган юридик шахслар билан бирлашганда,

ариза берувчи юридик шахс қайта рўйхатдан ўтказилганда, етти иш куни ичида ЯИДХП орқали ушбу ўзгартиришлар тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қайта рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки иш жойи ўзгарган тақдирда, ариза берувчи юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин беш иш куни ичида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қайта рўйхатдан ўтказиш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилиши лозим.

26. Қайта рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ўзгаришлар тўғрисида мурожат (тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда) келиб тушганда, Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан текширилади, мурожаат ЯИДХПга келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида тасдиқланади ёки рад этилади.

27. Ўзгартирилган маълумотлар тасдиқланган тақдирда, Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси рухсатнома маълумотларини ДБҚ ЯААТда янгилайди ва Давлат божхона қўмитасига киритилган тузатишлар бўйича аҳборот беради. Давлат божхона қўмитаси маъсул ходими тегишли ўзгартиришларни ХЙТ Халқаро банк маълумотлари базасига киритади.

28. Дастлабки рухсатнома Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан қайта расмийлаштирилгунга қадар амал қилади.

## 6-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномани бекор қилиш

29. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома қуйидаги ҳолларда ЯИДХП орқали икки кун ичида Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари томонидан бекор қилинади:

ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома эгаси бекор қилиш бўйича ЯИДХП орқали мурожат қилганда;

юридик шахс тугатилганда;

жисмоний шахс тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги бўйича гувоҳноманинг амал қилиши бекор қилинганда;

тадбиркорлик субъекти сифатида жисмоний шахс вафот этганда ёки лаёқатсиз деб топилганда;

ушбу Регламентнинг 5-бандида назарда тутилган талаблар ва шартлар бажарилмаганда;

ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома ноқонуний берилганлиги аниқланганда.

30. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномани бекор қилиш ҳақидаги қарор Давлат божхона қўмитаси, рухсатнома эгаси ва Кафолат уюшмасига ёзма равишда ва ЯИДХП орқали юборилади.

31. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномани бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Давлат божхона қўмитасининг масъул ходими ХЙТ Халқаро банк маълумотлари базасига ўзгартиришлар киритади.

32. Бекор қилинган рухсатнома қайта тикланмайди. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишни давом эттириш учун қайтадан ушбу Регламентнинг 2-4 бобларида кўрсатилган тартибда ариза берилади ва кўриб чиқилади.

## 7-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар реестри

33. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар реестри (кейинги ўринларда – реестр) ушбу Регламентга 6-иловага мувофиқ шаклда автоматик равишда ДБҚ ЯААТ томонидан яратилади. Реестр маълумотларининг шаклланиши Давлат божхона қўмитаси томонидан назорат қилинади.

34. Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Кафолат уюшмаси томонидан берилган идентификация рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами);

ариза берувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар (юридик шахсларнинг номи, шакли, почта манзили, электрон почта манзили, телефон рақами, жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, почта манзили, телефон рақами);

ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатноманинг рақами ва санаси;

компания ёки лицензияни рўйхатдан ўтказиш рақами (мавжуд бўлса);

ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномани тиклаш ва тўхтатиб туриш асослари ва санаси;

ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномани бекор қилиш асослари ва санаси.

35. Реестрдаги маълумотлар тижорат сири ҳисобланади ва фақат қонунда белгиланган ҳолларда ошкор қилиниши мумкин.

## 8-боб. Якунловчи қоида

36. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

бошқармалари ва “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси (кейинги ўринларда – Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари) томонидан ушбу Регламентга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ рухсатнома паспорти ва схема бўйича берилади.

4. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда – рухсатнома):

электрон шаклда берилади;

амал қилиш муддати чекланмайди;

юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчи) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланган ҳолда, халқаро юк ташиш ҳуқуқини беради;

кафолат уюшмасидан ХЙТ дафтарчасини олиш ҳуқуқини англатмайди.

## 2-боб. ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартлари

5. Ариза берувчи рухсатнома олиш учун Конвенцияга 9-илованинг II қисми 1-бандида назарда тутилган қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) автомобил транспортида халқаро юк ташиш тажрибаси ёки имконияти (автомобилда халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия) мавжудлиги;

б) Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши;

в) Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар (гувоҳномалар) мавжудлиги;

г) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилик ҳужжатлари бўйича бартараф этилмаган қонун бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

д) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

е) кафолат уюшмаси олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни имзолаш, бунда ариза берувчи:

жўнатувчи, оралиқ ва манзилдаги божхона органида Конвенция талаблари асосида барча божхона тартиб-тамойилларига риоя қилиши;

Конвенция 11-моддаси 2-бандига асосан божхона органлари томонидан талаб қилинса, Конвенциянинг 8-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган суммаларни тўлаши;

кафолат уюшмасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужатларида рухсат берилган доирада ушбу банднинг шартлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотларни текширишга рухсат бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш
учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

# ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ариза берувчи | ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ушбу Регламентга 2-иловага асосан ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш учун ариза тўлдиради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. | Хоҳишига кўра |
| 2-босқич | ЯИДПХ | Ариза ЯИДХП орқали Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – ДБҚ ЯААТ)га келиб тушади. | Автоматик равишда |
| 3-босқич | ДБҚ ЯААТ | ДБҚ ЯААТга келиб тушган ариза Давлат солиқ қўмитаси ва Кафолат уюшмасига бир вақтда юборилади. | Автоматик равишда |
| 4 -босқич | Кафолат уюшмаси | Кафолат уюшмаси Регламентнинг 5-банди “а” - “в”, “е” кичик бандларида назарда тутилган шартлар ва талабларга мувофиқликни ўрганади ва ДБҚ ЯААТга электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ёки рад этади. | Уч иш куни |
| | Давлат солиқ қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси | ДБҚ ЯААТга ариза берувчининг рухсат олиш учун электрон аризасини олган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. | |
| | Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси | ДБҚ ЯААТга ариза берувчининг рухсат олиш учун электрон аризасини олган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилиши мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. | |
| 5-босқич | Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси | Кафолат уюшмаси ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан ариза кўриб чиқилгандан сўнг рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва аризачига ЯИДХП орқали юборади. | Икки иш куни |
| 6-босқич | ДБҚ ЯААТ | Рухсатнома берилганлиги ёки ариза рад этилганлиги тўғрисидаги қарор ДБҚ ЯААТдан ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон шаклда юборилади. | Автоматик равишда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **7-босқич** | **Кафолат уюшмаси** | ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олгандан сўнг рухсатнома олган шахслар тўғрисидаги маълумотларни Давлат божхона қўмитасига Регламентга 4-иловага мувофиқ ДБҚ ЯААТ орқали электрон шаклда юборади. | Уч иш куни ичида |
| **8-босқич** | **Давлат божхона қўмитаси маъсул ходими** | Кафолат уюшмасидан келиб тушган ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Конвенцияга 9-илованинг II қисми 4-бандига мувофиқ уч иш куни ичида ХЙТ Халқаро банк маълумотлари базасига киритади. | Уч иш куни ичида |
| **9-босқич** | **ДБҚ ЯААТ** | ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар реестри Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклда ДБҚ ЯААТда автоматик тарзда яратилади. | Кафолат уюшмаси томонидан Регламентга 4-иловага мувофиқ ДБҚ ЯААТ орқали электрон шаклда маълумотларни юборгандан сўнг автоматик равишда |

***Изоҳ.*** *Мазкур схемада кўрсатилган 4-9-босқичлар ваколатли органлар томонидан автоматлаштирилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун
рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

**Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш учун рухсатнома**
**ПАСПОРТИ**

| | |
|---|---|
| **1. Рухсатнома номи** | **Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш учун рухсатнома** (кейинги ўринларда Рухсатнома). |
| **2. Рухсат бериладиган фаолият тури** | Халқаро йўлларда ташиш (кейинги ўринларда – ХЙТ) дафтарчасидан фойдаланган ҳолда халқаро ташувларни амалга ошириш. |
| **3. Амалга ошириш механизмини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат** | 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларида Регламент). |
| **4. Ариза берувчилар тоифаси** | Юридик ва жисмоний шахслар. |
| **5. Рухсат берувчи орган** | Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари. |
| **6. Ҳужжатларни топшириш тартиби** | Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали. |
| **7. Рухсатномани олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар** | Рухсатнома олиш учун даъвогар Регламентга 3-иловага мувофиқ аризани тўлдирган ҳолда ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборади. |
| **8. Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори** | Йўқ. |
| **9. Рухсатнома берилганлиги учун давлат божи миқдори** | Йўқ. |
| **10. Аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддатлари** | Ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни. |
| **11. Рухсатнома талаблари ва шартлари** | 5. Ариза берувчи Рухсатнома олиш учун Конвенцияга 9-илованинг II қисми 1-бандида назарда тутилган қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:<br>а) автомобиль транспортида халқаро юк ташиш тажрибаси ёки имконияти (автомобилда халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия) мавжудлиги;<br>б) Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши; |

| | |
|---|---|
| | в) Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар (гувоҳномалар) мавжудлиги;<br>г) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилик ҳужжатлари бўйича бартараф этилмаган қонун бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;<br>д) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги;<br>е) кафолат уюшмаси олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни имзолаш, бунда ариза берувчи:<br>жўнатувчи, оралиқ ва манзилдаги божхона органида Конвенция талаблари асосида барча божхона тартиб-тамойилларига риоя қилиши;<br>Конвенция 11-моддаси 2-бандига асосан божхона органлари томонидан талаб қилинса, Конвенциянинг 8-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган суммаларни тўлаши;<br>кафолат уюшмасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида рухсат берилган доирада ушбу банднинг шартлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотларни текширишга рухсат бериши шарт. |
| **12. Назорат тартиби** | Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда Халқаро йўлларда ташиш халқаро маълумотлар банки орқали электрон равишда. |
| **13. Рухсатнома беришда келишиладиган органлар** | Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва кафолат уюшмаси. |
| **14. Рухсатноманинг амал қилиш муддати** | Чекланмаган. |
| **15. Изоҳ** | * *Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш учун рухсатнома паспорти амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа норма ва қоидаларнинг даъвогар ва рухсатнома эгаси томонидан бажарилишини истисно этмайди.* |

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш
учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

________________ ________________

(сана) (рақам)

**ХЙТ дафтрачасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун**
**АРИЗА**

| | | |
|---|---|---|
| **I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот** | | |
| 1.1 | Ариза берувчи ташкилотнинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг тўлиқ Ф.И.О. | |
| 1.2 | Почта индекси | |
| 1.3 | Почта манзили | |
| 1.4 | Ташкилий ҳуқуқий шакли | |
| 1.5 | СТИР ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШШИР) ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат серияси ва рақами | |
| 1.6 | Ҳисобрақами | |
| 1.7 | МФО | |
| 1.8 | Телефон рақами | |
| 1.9 | Электрон почта манзили | |
| 1.10 | Транспорт вазирлиги томонидан берилган халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг рақами ва санаси | |
| **II. Ариза берувчининг ваколатли ходими тўғрисида маълумот** | | |
| 2.1.1. | Ариза берувчи ваколатли ходимининг ЖШШИР ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат серияси ва рақами | |
| 2.1.2. | Ариза берувчи ваколатли ходимининг Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар (гувоҳномалар) рақами, санаси ва амал қилиш муддати | |
| 2.1.3. | Ишга қабул қилганлик тўғрисида буйруқ рақами ва санаси | |
| ..... | | |
| **III. Ҳайдовчилар тўғрисида маълумот** | | |
| 3.1.1. | Ҳайдовчининг ЖШШИР ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат серияси ва рақами | |
| 3.1.2. | Ҳайдовчининг Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар (гувоҳномалар) рақами ва санаси | |
| 3.1.3. | Ишга қабул қилганлик тўғрисида буйруқ рақами ва санаси | |
| ...... | | |
| **IV. Транспорт воситалари тўғрисида маълумот** | | |
| 4.1.1. | Русуми | |
| 4.1.2. | Давлат рақами белгиси | |
| 4.1.3. | Идентификация рақами (VIN) | |
| 4.1.4. | Транспорт воситасининг ариза берувчи ташкилот тасарруфида бўлиш муддати | |

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.

| | | |
|---|---|---|
| 4.1.5 | Халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия рақами ва санаси | |
| ..... | | |

**V. Асосий воситалар бўйича маълумот**

| Т/р | Асосий воситаларнинг номи | Бошланғич қиймати (сўмда) | Эскириш қиймати (амортизация ва эскириш сўмда) | Қолдиқ қиймати (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| ..... | | | | |

ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олингандан сўнг Кафолат уюшмаси олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни имзолаш мажбуриятини оламан

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш
учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**RUXSATNOMA №** ___________

O'zbekiston Respublikasi tashuvchilariga xalqaro yo'llarda tashish daftarchasidan foydalanish uchun ruxsatnoma berish bo'yicha davlat xizmatlarini ma'muriy Reglamentga asosan

________________________________________________

________________________________________________

*Ariza beruvchining nomi yoki F.I.O., tashkiliy-huquqiy shakli ва STIR (yoki jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami)*

________________________________________________

________________________________________________

*Ariza beruvchining pochta manzili*

1975 yildagi Yuklarni xalqaro yo'llarda tashish daftarchasini qo'llagan holda yuklarni xalqaro tashish to'g'risidagi Bojxona konvensiyasiga asosan yuklarni xalqaro yo'llarda tashish daftarchasidan foydalangan holda xalqaro tashishga ruxsat berildi

**Ruxsatnoma beruvchi organ:**

**Ruxsatnoma berilgan sana:**

**QR-KOD**

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш
учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-илова

**Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома асосида Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини олган шахслар тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

Давлат: Ўзбекистон Республикаси

Кафолат уюшмаси номи: Ўзбекистон Республикаси халкаро автомобиль ташувчилари ассоциацияси (AIRCUZ)

Ваколатли идора: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси

| Идентифи-кация рақами | Ташкилот номи (шахс фамилияси) | Ташкилот (шахс) манзили | Телефон рақами, факс ва электрон почта манзили | Юкларни халқаро ташиш лицензияси рақами | ХЙТ дафтарча-сидан фойдаланиш учун рухсатнома охирги маротаба олиб қўйилган сана *(зарур ҳолларда)* | ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш сана | ХЙТ дафтарча-сидан фойдаланиш учун рухсатнома олиб қўйилган сана *(зарур ҳолларда)* | Муҳр/ имзо |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш
учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
6-илова

# ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар РЕЕСТРИ

| Т/Р | Кафолат уюшмаси томонидан берилган идентификация рақами | СТИР/ ЖШШИР | Ариза берувчи тўғрисида маълумот | | | ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома рақами ва берилган санаси | Юкларни халқаро ташиш лицензияси рақами | Бошқа маълумотлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ариза берувчи ташкилотнинг тўлиқ номи ва мулкчилик шакли/ёки жисмоний шахс Ф.И.О. ва паспорт серияси | Манзили, электрон почта манзили | Телефон рақами | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 2 ” декабрдаги 727 -сон қарорига
3-илова

**Халқаро ташувчиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни қайта тиклаш тартиби ҳақида**

# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Халқаро ташувчиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси (кейинги ўринларда – Конвенция) қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни қайта тиклаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат божхона қўмитаси) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва бундай ҳуқуқи тикланган ташувчиларнинг ушбу Низомга иловада белгиланган шаклда реестрини юритади.

## 2-боб. Хорижий автоташувчини Ўзбекистон Репсубликаси ҳудудида Ковенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш шартлари

3. Ташувчи Давлат божхона қўмитаси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги ҳолларда Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

а) Конвенция талабларининг бузилганлиги муносабати билан божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаслик;

б) қуйидагиларда ифодаланадиган Конвенция талабларининг бир неча марта бузилиши ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларнинг ноқонуний олиб ўтиш;

божхона назоратидаги товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган етказиб бериш жойига етказиб бермаслик, божхона органлари рухсатисиз божхона

назоратидаги товарларни бошқа шахсларга бериб юборишда ёки уларни йўқотиш;

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан божхона органлари томонидан чиқариб юборилишига рухсат берилган товарларни ишлатилиш ва (ёки) уларга эгалик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган муддатларда халқаро ташувдаги транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетмаслик.

4. Қуйидаги ҳолларда ҳудудий божхона бошқармалари уч кун муддатда ташувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича Давлат божхона қўмитасига таклиф киритади:

божхона органлари томонидан халқаро йўлларда ташиш тартиби бузилганлиги муносабати билан божхона тўловлари ундирилиши бўйича қарор қабул қилинган санадан ўттиз календарь кун ўтгандан сўнг ташувчи томонидан божхона тўловларини тўлаш мажбурияти бажарилмаганда;

ташувчи ва (ёки) уни ваколатли шахсига нисбатан маъмурий жазо қўллаш бўйича қарор ёхуд ташувчининг ваколатли шахсига нисбатан жиноий иш бўйича қарор қонуний кучга киргандан сўнг (кейинги ўринларда – суд қарорлари), агар бундай суд қарорлари ижро этилмаган тақдирда.

5. Ташувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича қарор (кейинги ўринларда – ҳуқуқдан маҳрум қилиш бўйича қарор) ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган ҳолатларда ҳудудий божхона бошқармалари Давлат божхона қўмитасига киритган таклифлар асосида Давлат божхона қўмитаси хатларига мувофиқ расмийлаштирилиб, ҳудудий божхона бошқармалари, ташувчи, Халқаро йўлларда ташиш Ижроия кенгаши, Кафолат уюшмаси ва ташувчи ташкил этилган ёки доимий манзилгоҳи жойлашган давлатнинг ваколатли органи манзилларига юборилади.

## 3-боб. Хорижий автоташувчининг Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш шартлари

6. Ташувчиларда Давлат божхона қўмитаси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тикланиши мумкин:

а) ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган қуйидаги ҳолларда:

божхона тўловлари тўланиши ёки уларни ундириш мажбуриятининг бажарилиши;

ташувчи ёки унинг ваколатли шахсини Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини бузганликда айбдор деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг белгиланган тартибда бекор қилиниши;

ташувчи ёки унинг ваколатли шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилиши;

б) мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин бўлган божхона қонунчилик ҳужжатларининг бошқа бузилиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги қарор (кейинги ўринларда –ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги қарор) ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган шартларга ташувчи томонидан риоя этилган тақдирда қабул қилиниши мумкин.

Ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги қарор ташувчининг ҳудудий божхона бошқармасига ҳуқуқдан маҳрум қилинишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ихтиёрий шаклдаги ёзма равишда берган аризасига (кейинги ўринларда – ташувчининг аризаси) биноан қабул қилинади.

Ҳудудий божхона бошқармалари ташувчини ҳуқуқдан маҳрум қилиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ташувчининг аризаси қабул қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида Давлат божхона қўмитасига таклифлар тақдим этади.

Ташувчининг аризаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисида ҳудудий божхона бошқармасининг таклифлари Давлат божхона қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ташувчининг аризаси ва ҳудудий божхона бошқармасининг таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш ёки бундай ҳуқуқнинг тикланишини рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Бунда ҳуқуқни тиклаш ёки унинг тикланишини рад этиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш ва қабул қилиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги лозим.

8. Ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги қарор Давлат божхона қўмитаси хатларига мувофиқ расмийлаштирилиб, ҳудудий божхона бошқармалари, ташувчи, Халқаро йўлларда ташиш Ижроия кенгаши, Кафолат уюшмаси ва ташувчи ташкил этилган ёки доимий манзилгоҳи жойлашган мамлакатнинг ваколатли органи манзилларига юборилади.

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.

Халқаро ташувчиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни қайта тиклаш тартиби ҳақидаги низомга илова

# 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки бундай ҳуқуқи тикланган ташувчилар РЕЕСТРИ

| Т/р | Халқаро йўлларда ташиш дафтарчаси эгасининг идентификация рақами | Ташувчининг номи | Ташувчининг турар жойи (мамлакати, манзили) | Давлат божхона қўмитасининг ташувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги хатининг рақами ва санаси | Ташувчини Ўзбекистон Республикаси 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш асоси | Қонун бузилиши содир этилган халқаро йўлларда ташиш дафтарчасининг рақами | Давлат божхона қўмитасининг ташувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги хат рақами ва санаси | Ташувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси қоидаларидан низомларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш асослари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | **10** |
| | | | | | | | | | |

ҚММБ: 09/21/727/1123-сон
03.12.2021 й.
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “2” декабрдаги 727-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 12 июлдаги 489-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 7-сон, 142-модда).

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божхона хизмати органлари ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 сентябрдаги 721-сон қарори.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 9 октябрдаги 810-сон қарорига 1-илованинг 38-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 сентябрдаги 757-сон қарорининг 5-банди.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автоташувчиларни Халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси низомларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 17 августдаги 673-сон қарори.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги 790-сон қарори.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 29 октябрдаги 884-сон қарорига илованинг 51-банди.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 10 августдаги 661-сон қарорига илованинг 48-банди.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 178-банди.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорига 1-илованинг 47-банди.